O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KRIMINOLOGIYA TADQIQOT INSTITUTI

KRIMINOLOGIYA YANGILIKLARI

Ilmiy to‘plami

Toshkent – 2026

O‘zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti kengashining yig‘ilishida muhokama qilingan hamda nashrga tavsiya etilgan.

Mas’ul muharrir

O‘zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti boshlig‘i, yuridik fanlar bo‘yicha falsafa doktori (PhD), **B.E. Berdialiyev.**

Taqrizchilar:

siyosiy fanlar doktori, professor **I. Ergashev;**

yuridik fanlar doktori, professor **A.G. Zakirova.**

Nashrga tayyorlovchilar:

falsafa doktori (PhD), professor **R.O. Nigmatov**; tibbiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) **I.E. To‘raev**; falsafa fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent **Sh.Sh. Hasanov**; yuridik fanlar bo‘yicha falsafa doktori (PhD) **U.A. Irisbekov; D.B.Mamarajabova.**

Kriminologiya yangiliklari: Ilmiy to‘plami – T.: O‘zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti, 2026. – 178 b.

Mazkur to‘plamda zamonaviy kriminologiya nuqtai nazaridan jinoyatchilikka qarshi kurashning dolzarb masalalari yoritilgan bo‘lib, sodir etilayotgan jinoyatlarning kriminologik tavsifi, ularning kelib chiqish omillari, jinoyatchilikning oldini olish va fosh etishda yuzaga kelayotgan muammolar, shuningdek, xorijiy davlatlarning ilg‘or tajribalari va ularni milliy amaliyotga tatbiq etish imkoniyatlari ilmiy va amaliy jihatdan tahlil qilingan.

To‘plam huquq-tartibot organlari ta’lim muassasalarining professor-o‘qituvchilari, olimlar, tadqiqotchilar va amaliyot xodimlari, mustaqil izlanuvchilar, talabalar hamda kursantlar uchun mo‘ljallangan.

© O‘zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti, 2026-y.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИ КИБЕРХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИ СОДИР ЭТИЛИШИ БОРАСИДА ПРОФИЛАКТИК ЧОРАЛАРИ

Ҳасанов Шарофиддин Шамшурович
Криминология институти бош илмий ходими
*ф.ф.б.ф.д (PhD), доцент**

Аннотация *Мазкур мақолада ички ишлар органларининг киберхавфсизликни таъминлаш ва кибержиноятларнинг олдини олиш соҳасидаги профилактик фаолияти таҳлил қилинган. Унда кибержиноятларнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий асослари ҳамда амалга ошириш механизмлари ёритилган. Шунингдек, кибержиноятлар профилактикасини такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *кибержиноят, киберхавфсизлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, умумий профилактика, махсус профилактика, якка тартибдаги профилактика, виктимологик профилактика, интернет тармоқлари, ички ишлар органлари, ҳуқуқий тарғибот.*

Аннотация *В данной статье проанализирована профилактическая деятельность органов внутренних дел в сфере обеспечения кибербезопасности и предупреждения киберпреступлений. Рассмотрены правовые основы и механизмы осуществления общей, специальной, индивидуальной и виктимологической профилактики киберпреступлений. Кроме того, разработаны практические предложения по совершенствованию системы профилактики киберпреступлений.*

Ключевые слова: *киберпреступность, кибербезопасность, профилактика правонарушений, общая профилактика, специальная профилактика, индивидуальная профилактика, виктимологическая профилактика, сеть Интернет, органы внутренних дел, правовая пропаганда.*

Abstract *This article analyzes the preventive activities of the internal affairs bodies in the field of ensuring cybersecurity and preventing cybercrime. It examines the legal foundations and implementation mechanisms of general, special, individual, and victimological prevention of cybercrime. In addition, practical recommendations for improving the cybercrime prevention system are proposed.*

Keywords: *cybercrime, cybersecurity, crime prevention, general prevention, special prevention, individual prevention, victimological prevention, Internet networks, internal affairs bodies, legal awareness and advocacy.*

Ички ишлар органларини киберхавсизликни таъминлаш ва кибержиноятларни содир этилишини умумий профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти ҳисобланади.

Шундай қилиб, *умумий тартибдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси деганда,* ҳуқуқбузарликнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлаш, бундай сабаб ва шароитларни бартараф этишга, шунингдек аҳоли орасида турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга оид профилактик усулларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги фаолият тушунилади.

Кибержиноятларнинг умумий профилактикасининг объекти - кенг жамоатчиликдир ва бунда алоҳида шахслар танлаб олинмайди. Масалан, маҳалла аҳолиси, меҳнат жамоалари (корхона, муассаса, ташкилотлар ходимлари), вояга етмаганлар жамоаси (мактаб, коллеж ва академик лицейлар), ёшлар жамоаси ва бошқалар. Бунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси барчага бир хил равишда етказиб берилади ва таъсир доираси кенгроқлиги билан ажралиб туради.[1]

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактик фаолияти жамиятга зид ғайриижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг, турли воқеа, ҳодиса ва ҳолатларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, таъсир этиш, кучсизлантириш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли ижтимоий-ҳуқуқий воситалар орқали амалга ошириладиган фаолиятидир.

Қонун билан кибержиноятларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

– бунга доир давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

– аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот;

– Ички ишлар органларини киберхавсизликни таъминлаш ва кибержиноятларни содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш.[2]

Таъкидлаш лозимки, давлат ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда интерет тармоқларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш юзасидан ваколатли давлат органларининг ҳар бирининг амалга ошириши лозим бўлган алоҳида вазифаларини белгилаб бериш лозим. Дастурларда белгиланган тадбирлар ижроси таъминланиши ва бу жараёнда барча ваколатли органларнинг иштирок этиши ўз ўзидан ушбу йўналишдаги ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олинишига хизмат қилади.

Аҳоли орасида ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Бунда ваколатли органлар томонидан

меҳнат, вояга етмаганлар каби жамоалар ўртасида Интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида тушуниришлар, хусусан, маърузалар ўқиш, давра суҳбатлари уюштириш, тарғибот буклетлари тайёрлаш тарқатиш катта самара беради. Ушбу тарғибот тадбирларида фуқароларда Интернет тармоқлари орқали содир этилдиган ҳуқуқбузарликларнинг салбий оқибатлари, келиб чиқиш сабаблари ва бу борада шахсларнинг хушёрлигини ошириш борасида турли вазифалар амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш кейинги содир этилиши мумкин бўлган оғирроқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 296-моддасига мувофик, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят иши буйича иш юритишда жиноят сабабларини ва улар содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашлари шарт бўлиб, бу жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган фаолият самарадорлигини жиддий тарзда ошириш воситаси ҳисобланади.[3]

Ушбу кодекснинг 297-моддаси талабларига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб чиқиб, тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома киритади. Тақдимноманинг нусхаси ишга қўшиб қўйилади.[3]

Шу ўринда мазкур қонун талабидан келиб чиқиб тақдимномани ижросини таъминлашга масуъл бўлган шахс кенг жамоатчилик ўртасида ушбу тақдимномани муҳокама қилиш жараёнида жиноят ишини тергов қилган мансабдор шахсни иштирокини таъминласа кўпроқ натижадорликка эришилади.

Бунга кўра ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор раҳбарлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар иштирокида жиноятларнинг сабабларини ўрганиш, уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш масалаларини жойига чиққан ҳолда «маҳаллабай» ва «соҳабай» муҳокама қилиш тартиби жорий этилган.

Ушбу қарор билан жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилишни ташкил этиш тартиби, жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокамасини ўтказиш тартиби, жиноятларнинг тури ҳамда хусусиятларидан келиб чиқиб, вакиллари муҳокамада иштирок этиши шарт бўлган давлат органлари ва ташкилотлар рўйхати, содир этилган жиноятлар ҳамда суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахслар тўғрисидаги ахборотларни

умумлаштириш ва ҳисобини юритиш бўйича ишчи орган ва унинг вазифалари кўрсатиб ўтилган.

Ички ишлар органларини киберхавсизликни таъминлаш ва кибержиноятларни содир этилишини профилактикаси, олдини олиш *қуйидаги усулларда амалга оширилади:*

–аҳоли орасида, жамоаларда ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий мазмундаги тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш (маҳалла фуқаролар йиғини, яраштириш комиссиялари, диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар билан ҳамкорликда);

– оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиб, яъни газета ва журналларда мақолалар эълон қилиш, радиоэшиттиришлар ташкил этиш, телевидениеларда турли кўрсатувлар тайёрлаш;

– маърузалар ўқиш, суҳбатлар уюштириш ва учрашувлар ташкил этиш.[4]

Умумий тартибда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг шакллари эса қуйидаги тўрт турда амалга оширилиши кўзда тутилади:*ёзма, оғзаки, кўргазмали ва электрон.* Албатта, умумий тартибда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда шаклни танлаш ва ўз ўрнида қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда кўпинча оғзаки шакллар билан бирга кўргазмали шакллардан фойдаланиш самаралироқ ҳисобланади. Яъни, профилактикани амалга оширишда фақат бир шаклдан фойдаланиш эмас, балки бошқа шаклларни биргаликда қўллаш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.[7]

Фикримизни мантиқий давоми сифатида шуни таъкидламоқчиманки фуқароларда Интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этилган жиноятларнинг жабрланувчисига айланиб қолмаслик юзасидан профилактик-огоҳлантирув тадбирларини олиб боришда блогер ва ижтимоий тармоқларда кенг аудиториясига эга бўлган шахсларни ҳам кенг жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, XXI асрда мафкуравий кураш усул ва воситалари илгариги қабул қилинган қонун-қоидалардан тубдан фарқ қилади. Чунки олдин кенг жамоатчилик ананавий равишда оммавий ахборот воситалари (телевидения, газета, радио) орқали таъсир қилинган бўлса, ҳозирги кунда фуқаролар зарурий ахборотларни олишда Интернет тармоқларидан фойдаланишади. Яъни, жамиятнинг бу қатлами учун оммавий ахборот воситаларига нисбатан асосий ахборот мухути Интернет хисобланади. Шунинг учун компютер мутахасислари, кенг аудиторияга эга ҳамда кўп кузатувчилари мавжуд блогерлар ва тармоқда (Facebook, Instagram, Tik tok, Telegram ва ҳ.к) ўз саҳифаларига эга бўлган шахслар билан Интернет тармоқлари орқали профилактик-огоҳлантирув ишларини кўпроқ олиб бориш юзасидан ҳамкорликни тўғри йўлга қўйса мантиқан тўғри бўлади. Бунда киберхавфсизлик юзасидан адабийча фикрлашдан қочиб фуқаролар онгига оддий ва содда усулда, инсон онгига тез таъсир ўтказувчи воситалардан фойдаланган ҳолда етказилса фойдадан ҳоли бўлмайди.[5]

Ички ишлар органларини киберхавсизликни таъминлаш ва кибержиноятларни содир этилишини профилактикаси, олдини олиш*ни* бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолиятини ўз ичига олади*(24-модда). [1]*

ИИО киберхавсизликни таъминлаш ва кибержиноятларни содир этилишини махсус профилактикасининг ўзига хос хусусияти унинг қачон ва қайси вазиятда, қайси жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун ўтказилиши билан ажралиб туради.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси алоҳида кўрсатма, топшириқ, буйруқ ва режалар асосида ташкил этилади ҳамда амалга оширилади. Бундан ташқари ушбу профилактиканинг чора-тадбирлари аниқ бир ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилади.

Бу борада ички ишлар органлари тизимида муайян тартиб шаклланиб улгурган.

ИИО киберхавсизликни таъминлаш ва кибержиноятларни содир этилишини профилактикаси, олдини олиш махсус профилактикасини амалга ошириш учун қуйидагилар асос бўлади:

-кибержиноятларни содир этиётган шахслар тоифаларининг кўпайиши;

- жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши.

Аммо, қонунда фақатгина қуйидаги учта тоифадаги шахслар ўртасида амалга ошириладиган махсус профилактик тадбирлар кўрсатилган, хусусан:

– илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;

– алкоголь ёки гиёҳвандлик воситалар, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;

– вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.

Бугунги кунда долзарб масалалар сифатида эътироф этилаётган Интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан махсус профилактик тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш ҳамда уни номини белгилаш мазкур муаммони ечимини топиш заруратини келтириб чиқаради.

Шу боисдан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон

бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган “Хавфсиз Интернет” махсус тадбирлари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда Интернет тармоқлари орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши тез-тез кузатиладиган ҳудудларда махсус профилактик тадбирларни ташкил этиш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- Республикаси, вилоят шаҳар-туманларда Интернет тармоқлари орқали содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни таҳлил қилиш;

- Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этилаётан ҳуқуқбузарликнинг махсус профилактикаси бўйича махсус режасини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг натижаларини таҳлил қилиш.

- Интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини номлаш ва қонун нормасида белгилаш;

- Интернет тармоқлари орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликларларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш жараёнига жалб этиладиган давлат органлари ва ташкилотлари рўйхати ҳамда уларнинг ваколатларини белгилаш.

Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси жиноятчилик таҳлили асосида кўпинча криминоген ва оператив вазият оғир бўлган ҳудудларда ҳамда ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишга мойил шахсларга йўналтирилиши, шунингдек алоҳида кўрсатма ва топшириқлар асосида амалга оширилиши билан ўзига хос хусусиятга эгадир.

Криминоген вазият таҳлили натижаларига асосан маъмурий ҳудудда ёки у ерда жойлашган алоҳида объектда айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг, уларни содир этувчи шахслар тоифаларининг кўпайиши, шунингдек жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган хавф-хатарлар таҳдидларнинг юзага келиши кучайганда ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишга, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбу-зарлик содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширади.

Ҳозирги кунда ахборот – коммуникация технологиялари соҳаси бўйича мутахасислар тайёрлаб бераётган олий ва ўрта-махсус таълим ўқув юртлари талабалари ва уларнинг битирувчилари томонидан мазкур турдаги жиноятлар содир этилмаслигига ҳеч ким кафолат бермайди.[6] Бундан ташқари ҳозирги кунда бўлажак мутахасислар орасида мазкур турдаги жиноятларни содир этилишини олдини олиш мақсадида уларни ҳуқуқий онгини шакллантиришга унчалик эътибор берилмаяпти десак тўғри бўлади. Мазкур ўқув юртларида барча ҳуқуқий фанлар

бир семестр юристпруденция курси билан чекланган бўлиб умумий масалалар кўриб чиқилади. Бунда юристпруденция йўналиши бўйича ўқув жараёнида нафақат умумий масалалар балки талабалар онгида Интернет тармоқлари орқали жиноят содир этилиши қонунчилик билан тақиқланганлиги ва тегишли жавобгарликни келтириб чиқариши юзасидан илмий асосланган ягона мафкуравий йўналиш ишлаб чиқиш лозим бўлади.

ИИО киберхавсизликни таъминлаш ва кибержиноятларни содир этилишини профилактикасининг мазкур тури якка тартибдаги профилактиканинг объектига (ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар, шунингдек ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар ёки ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахслар) самарали тарзда профилактик таъсир кўрсатиш имкониятига эга ҳисобланади. Хусусан, бу борада мазкур профилактикада шахсларнинг ижтимоий-демографик (ёши, жинси, оилавий аҳволи, касби, маълумоти, яшаш ва ўқиш жойлари кабилар), маънавий-руҳий (эҳтиёжи, қизиқиши, ижтимоий жараёнларга, умуминсоний ва миллий қадриятларга, меҳнатга, ўқиш ва ишга, ён-атрофидагиларга бўлган муносабати, дунёқараши, темперамент ва характери кабилар) ва биофизиологик (жисмонан ва руҳан соғлиғи, генетик хусусиятлари, жисмоний тузилиши, жисмоний ва руҳий имкониятлари, ёш даврига хос биофизиологик белгилари кабилар) хусусиятларини ўрганиши ҳамда ўрганиш натижалари асосида якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши мумкин ҳисобланади.

ИИО киберхавсизликни таъминлаш ва кибержиноятларни содир этилишини якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишда шахснинг, унинг ижтимоий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш тарзи, шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворини, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини, шунингдек содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифловчи ва бошқа омиллар ҳисобга олиниши шарт ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси ички ишлар идораларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи соҳавий хизматлари томонидан ўз фаолият йўналишлари ва ваколатларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Аммо, масаланинг иккинчи томони шундаки, Интернет тармоқларидан фойдаланиб ҳуқуқбузарликлар содир этувчи шахсларнинг ўзига хос хусусиятлари илмий тадқиқ қилинмаган шу боисдан ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этувчи шахслар билан якка тартибдаги профилактик ишларни ташкил этишнинг аниқ йўналишларини белгилаб бериш имкони мавжуд эмас.

Шу боисдан, юқоридагилардан келиб чиқиб, Интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг чора-тадбирларини бугуни кун талабидан келиб чиқиб ишлаб чиқиш, аниқ йўналишларини белгилаш муҳим.[8]

Бу йўналишда бизнингча қуйидаги таклифларасосида ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, Интернет тармоқлари орқали содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юзасидан келиб тушган ҳар бир мурожаатларни текширув натижаси бўйича унинг қонунийлиги ва жазо муқаррарлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимида республика миқёсида ушбу турдаги жиноятларни содир этиб келаётган ҳамда жиноятларни содир этишга мойил шахсларни рўйхатининг *ягона базасини* шакллантириш, ушбу шахслар тўғрисида маълумотларнинг вилоятлараро алмашинувини ва тезкор ишлар олиб борилишини йўлга қўйиш;

иккинчидан, Интернет тармоқларидан фойдаланиб ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни профилактик ҳисобга олиш ва улар билан якка тартибдаги тарбиявий профилактик ишларни амалга ошириш режасини ишлаб чиқиш;

учинчидан, Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаш;

*тўртинчидан,*ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси ўта мураккаб жараён бўлиб, профилактикани олиб бораётган субъектдан психологик, педагогик, ҳуқуқий, этик ва эстетик каби соҳаларга доир комплекс билимлар мажмуига эгаликни талаб этади. Бундан ташқари, профилактик мулоқотга киришишда мантиқ, индукция ва дедукция, шунингдек анализ ва синтез каби усулларни қўллай олишга доир назарий билим ва кўникмаларнинг мавжудлиги тақозо этилади. Шу сабабли Интернет тармоғи орқали ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга маҳаллаларда бу соҳага оид билимларга эга шахслардан мураббийлар бириктирилишини ташкил этиш.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ИИО киберхавсизликни таъминлаш ва кибержиноятларни содир этилишини якка тартибдаги профилактикасининг усул ва шакллари, профилактик чора-тадбирлари мазкур фаолиятнинг мазмунини ташкил этади. Бу борадаги билимлар ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг самарали ташкил этилиши ва амалга оширилишини кафолатлайди.

ИИО киберхавсизликни таъминлаш ва кибержиноятларни содир этилишини *виктимологик профилактикаси* ҳақида фикр юритишдан олдин «виктимология» сўзининг мазмун-моҳиятини тушуниб олиш мақсадга мувофиқ. Чунки, виктимология ва у билан боғлиқ айрим муносабатлар турли ҳуқуқшунос олимларнинг илмий тадқиқотларининг объекти ҳисобланади ва айрим манбаларда виктимологияга берилган таърифлар бир-бирига яқин ва мазмунан бир хилдир. Жумладан, энциклопедик ва изоҳли луғатларда «виктимология» лотинча «victima» – жабрланган, жабрланувчи ва юнонча «logos» – таълимот яъни, жабрланувчилар ҳақидаги таълимот, деган маънони англатиши кўрсатилган.

ИИО киберхавсизликни таъминлаш ва кибержиноятларни содир этилишини виктимологик профилактикаси нуқтаи назаридан виктим ҳолатларнинг юзага

келишини ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳуқуқий адабиётларда, шунингдек, ҳуқуқшунос олимларнинг илмий тадқиқотларида виктимлик – инсоннинг ҳуқуқбузарликдан жабрланиш имконияти эмас, балки инсоннинг ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳолати деган қарашлар мавжуд бўлиб, виктимликнинг *айбли ва айбсиз* турлари ажратилган.

Айбли виктимлик потенциал қурбоннинг салбий, ҳуқуқ ва ахлоқ нуқтаи назаридан номуносиб хулқидан иборат бўлиб, у жиноят содир этилишига имкон берадиган омил ҳисобланади. Масалан, йўлтранспорт ҳодисаларидан фуқароларнинг кўпгина қисми йўл қоидаларига риоя қилмаганликлари оқибатида жабрланадилар.

Айбсиз виктимлик умуман ҳаётда, хусусан, жиноятдан аввалги вазиятда ижтимоий маъқул ахлоққа эга бўлган муайян шахснинг (масалан, инкассатор, маҳалла посбони) меҳнат ёки жамоат фаолиятининг хусусияти ёхуд психофизиологик жиҳатлари (масалан, бола, қария, беморлиги кабилар) билан боғлиқ.

Виктимликни келиб чиқиш манбаига кўра объектив ва субъектив омилларга ажратиш мумкин, яъни:

объектив омиллар – маънавий ва жисмоний жиҳатдан ожизлар, аёллар, қариялар, ёш болалар, ногиронлар, пассив характерга эга бўлганлар (қўрқоқлар, журъатсизлар);

субъектив омиллар – ишонувчилар, беэътиборлар, мақтанчоқлар (бойлигини, ўзини кўз-кўз қилувчилар), урушқоқлар.

Интернет тармоғлари орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг викимологи профилактикасини амалга ошириш жараёнида субъектив омиллар асосий ролни ўйнайди.

Чунки, таҳлиллар шуни кўрсатадики, бу турдаги ҳуқуқбузарликларда ҳуқуқбузар шахсдаги жисмоний ожизликни билмайди, балки у билан компьтер орқали ёки Интернет алоқанинг бошқа усули билан мулоқотга киришади. Бунда ҳуқуқбузар шахс жабрланувчининг ишонувчанлиги, соддалиги, лақмалигини ўрганади. Хусусан, унга бир нечта хизматлар таклиф қилиши, айрим ҳолатларда бирор бир ишини ҳал этиб бериши мумкин. Бундан ташқари ҳуқуқбузарликлар содир этувчи шахслар бу жараёнда жабрланувчининг қизиқишлари, эҳтиёжи, нимага муҳтожлиги, яқин орада нималар режалаштираётганлигини (машина олмоқчилиги, тўй, туғилган кун ва бошқа адбирлар ўтказиши, бирор буюмини сотмоқчилиги, тижорат ишлари билан шуғулланмоқчилиги, зарурий буюмлари сотиб олмоқчилиши ва бошқалар) ўрганади ҳамда унга фойдали бўлган бу борадаги хизматларини таклиф этади. Демак, бу ҳолатда фақатгина ҳуқуқий билимга эга бўлмаган, ишонувчан шахсларгина бу каби ҳуқуқбузарликлардан жабрланиб қолишлари мумкин.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда Интернет тармоқлари орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини ташкил

этишда қуйидаги таклифлар асосида чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1) Интернет тармоқлари орқали тижорат билан шуғулланувчи шахсларни аниқлаш ва уларнинг рўйхатларини шакллантириш;

2) аҳоли ўртасида Интернет тармоқлари орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар, уларнинг оқибатлари ҳақида ахборотлар (қайси сайтлар ҳақиқий қайсилари соҳта эканлиги) туркум кўрсатувлар тайёрлаш ва намойиш этиш;

3) огоҳлантирувчи баннер ҳамда буклетлар тайёрлаш ва фуқароларга тарқатиш;

4) прокуратура, ички ишлар органлари, таълим муассасалари ва бошқа маъсул ташкилотлар ҳамкорлигида ўқувчи ёшлар, талабалар ўртасида тарғибот ишларини амалга ошириш;

5) Интернет тармоқлари орқали жабрланган шахсларни таҳлил этиб энг кўп жабрланган қатлам билан мунтазам равишда огоҳлантирув профилактик ишларни олиб бориш ва бошқалар.

Киберхавфсизликни таъминлаш ва кибержиноятлар ва киберҳуқуқбузарликларни фош этиш ва тергов қилиш, етказилган зарарни бартараф этиш ҳамда олдини олиш бўйича зарур қарорлар қабул қилиш, киберхавфсизлик ва кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, кибертерроризм, киберэкстремизм, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, давлат органлари манфаатларига ҳамда киберхавфсизлигига таҳдид солувчи киберҳатарларни аниқлаш ва уларга қарши курашиш, кибержиноятлар бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки терговни ўтказиш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг содир этилишига имкон яратувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш каби муҳим вазифаларни бажариш ҳам бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири эканлигини унутмаслик лозим. Зеро, давлатдаги ҳар бир фуқаронинг хавфсизлиги давлат учун муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб қўйдани таклифлар илгари сўрилмоқда:

Доимий равишда, банк пластик карталари билан боғлиқ пул ўғирлиш ва фирибгарлик ҳолатлари юзасидан келиб тушган ҳар бир мурожаатларни текширув натижаси бўйича унинг қонунийлиги ва жазо муқаррарлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимида республика миқёсида банк пластик карталари билан боғлиқ содир этилаётган пул ўғирлаш ва фирибгарлик ҳолатлари, Интернет ижтимоий тармоқлари орқали жиноят содир этиб келаётган ҳамда ушбу турдаги жиноятларни содир этишга мойил шахслар рўйхатининг *ягона базасини* шакллантириш, ушбу шахслар тўғрисида маълумотларнинг вилоятлараро алмашинувини ва тезкор ишлар олиб борилишини йўлга қўйиш;

- Ҳозирги кундаги ахборот – коммуникация технологиялари соҳаси бўйича мутахасислар тайёрлаб бераётган олий ва ўрта-махсус таълим ўқув юртлари

талабалари ва уларнинг битирувчилари томонидан мазкур турдаги жиноятларни содир этилишини олдини олиш мақсадида уларни ҳуқуқий онгини шакллантириш, талабалар онгида Интернет тармоқлари орқали жиноят содир этилиши қонунчилик билан тақиқланганлиги ва тегишли жавобгарликни келтириб чиқариши юзасидан илмий асосланган ягона мафкуравий йўналиш ишлаб чиқиш;

-Барча таълим муассасаларида Интернет тармоғи ахборот ресурсларидан унумли фойдаланишларини кўникмасини ташкил этиш учун “Хавфсиз Интернет”, “Интернет маданияти” мавзуларида ўқув машғулотлари ташкил этиш;

-Фуқароларда Интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этилган жиноятларнинг жабрланувчисига айланиб қолмаслик юзасидан профилактик-огоҳлантирув тадбирларини олиб боришда блогер ва ижтимоий тармоқларда кенг аудиториясига эга бўлган шахслардан кенг фойдаланиш;

- Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган “Хавфсиз Интернет” махсус тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш.

-Аҳоли орасида ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Бунда ваколатли органлар томонидан меҳнат, вояга етмаганлар каби жамоалар ўртасида Интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида тушунтиришлар, хусусан, маърузалар ўқиш, давра суҳбатлари уюштириш, *тарғибот буклетлари тайёрлаш тарқатиш катта самара беради.* Ушбу тарғибот тадбирларида фуқароларда Интернет тармоқлари орқали содир этилдиган ҳуқуқбузарликларнинг салбий оқибатлари, келиб чиқиш сабаблари ва бу борада шахсларнинг хушёрлигини ошириш борасида турли вазифалар амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, киберхавфсизликни таъминлаш, кибержиноятлар, киберҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш нафақат давлат органларининг, балки шу жамиятнинг аъзоси ҳисобланган ҳар бир инсоннинг вазифасидир. Энг аввало, ўзимиз, оила аъзоларимиз ва жамият олдидаги масъулиятни доимо ҳис қилиб яшаш, атрофдаги ҳодисаларга бепарволик билан муносабатда бўлмаслик, тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиб яшаш барчамизнинг кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги 2022 йил 15 апрель қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – // URL: http//www.lex.uz

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси// URL: http//www.lex.uz

3. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар (кибержиноятлар) турлари, квалификацияланиши ва уларга нисбатан тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси [Матн]: ўқув қўлланма / Г. Ф. Мусаев [ва бошқ.]. – Ташкент: Baktria press, 2020 – 224 с.

4. Преступления в сфере информационных технологий (киберпреступления): виды, квалификация и тактика производства следственных действий [Текст]: учебное пособие / Г. Ф. Мусаев [и др.]. – Ташкент: Baktria press, 2020. – 224 с.

5. “Ахборот технологиялари соҳасида содир этиладиган жиноятларни тергов қилишнинг айрим масалалари//Б.Б.Муродов, Н.А.Хушвактова//“Кибермаконда содир этилаётган жиноятларга қарши кураш:муаммолар ва ечимлар” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами,ИИВ Академияси-2022 й.30-бет

6. “Ахборот технологиялари соҳасида содир этиладиган жиноятларни тергов қилишнинг айрим масалалари//Б.Б.Муродов, Н.А.Хушвактова//“Кибермаконда содир этилаётган жиноятларга қарши кураш:муаммолар ва ечимлар” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами,ИИВ Академияси-2022 й.30-бет

7. Fraud Act 2006. http://www.legislation.gov.uk/ukpga/2006/35/contents. // https://www.cps.gov.uk/legal-guidance/fraud-act-2006.

8. https://kun.uz/news/2022/04/18/kiberxavfsizlik-togrisidagi-qonun-dxxga-qanday-yangi-vakolatlar-berildi

9. https://lex.uz/docs/5623688

10. https://lex.uz/uz/docs/5960604

11. https://parliament.gov.uz/uz/events/other/19088/?sphrase_id=8009224

12. https://sud.uz/wp-content/uploads/2021/odilsudlov/5_uz.pdf

13. https://uznews.uz/posts/2030-iilgaca-savkat-mirziyoev

14. Joint project agreement between the U.S. Department of Commerce and the Internet Corporation roy Assigned Names and Numbers // URI: http://www.icann.org/en/about/agreements/mou-jpa/jpa-29sep06- en.pdf

15. Ахборот технологиялари сохасида, шу жумладан Интернет тармоғида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятларни аниқлаш, барвақт олдини олиш ва тергов қилиш методологияси//Ўз.Рес.ИИВ Академияси//муаллифлар жамоаси//Тошкент-2022 й// 8-бет

16. Гофуров Ш.Р. Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини баҳолаш мезонлари таҳлили/6-бет: https://journals.uz/wp-content/uploads/2020/02/huquq-2020-03.pdf

17. Заключительный доклад Первого процесса в рамках ВОИС по названиям доменов в Интернете 30 апреля 1999 // Электронный ресурс: http://www.wipo.int/amc/ru/processes/process1/report

18. Закон об уголовном праве Израиля // http://www.crimpravo.ru/codecs/izr/2.pdf.

19. Матчанов А.А. Криминалистические аспекты методики расследования киберпреступлений. Монография – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2015. – 148 с.

Матчанов А.А., Акрамхождаев Б.Т. ва бошқ. Ички ишлар идоралари тергов аппаратларини бошқариш. Маърузалар курси. – Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академия